БЕШИЙИЛЛИКНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРАЙЛИК

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 93 (4340). | 12 май, сешанба — 1970 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ЮКСАК МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Москвада меҳмон бўлиб турган ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР ҳукуматининг Раиси Л. Штроугал Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети, ЧССР Президенти ва ҳукуматининг топшириғига биноан 11 май куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорнийга биринчи даражали занжирли оқ шер орденини топширди. У Чехословакия Социалистик Республикаси билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун ана шу юксак мукофотга сазовор бўлган эди.

ЧКП Марказий Комитети Президиуми ва ЧССР ҳукуматининг таклифига биноан Чехословакия Социалистик Республикасининг Президенти Л. Свобода Совет Армияси Чехословакияни озод этишдаги алоҳида хизматлари учун Совет Иттифоқи Маршали И. И. Якубовский билан Совет Иттифоқи Маршали И. С. Коневга ЧССР қаҳрамони деган фахрли унвон ва ЧССР қаҳрамони олтин юлдузини тақиб юриш ҳуқуқини берган эди. Л. Штроугал маршалларга ЧССР қаҳрамонининг олтин юлдузларини топширди.

Мукофотларни топшириш чоғида Л. И. Брежнев, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

(ТАСС).

ЮБИЛЕЙ ВИСТАВКАСИ ОЧИЛДИ

11 май куни Москвадаги СССР халқ хўжалиги ютуқлари виставкасининг территориясида «Чехословакия—1970» юбилей виставкаси тантанали очилди. Бу виставка Совет Армияси Чехословакияни фашист босқинчилардан озод қилган кунининг 25 йиллигига бағишланган.

Виставкани очиш маросимида Л. И. Брежнев, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорний, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев ўртоқлар ҳозир бўлдилар.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, ЧССР ҳукуматининг Раиси Л. Штроугал нутқ сўзладилар.

(ТАСС).

А. Н. КОСИГИН ВИЛАН Л. ШТРОУГАЛ УЧРАШУВИ

11 май куни Кремлда СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин билан Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг Раиси Любомир Штроугал учрашди. Л. Штроугал «Чехословакия—1970 йил» виставкасини очиш учун Москвага келган Чехословакия ҳукумат делегациясига бошчилик қилмоқда.

А. Н. Косигин ва Любомир Штроугал 1971—1975 йилги Совет—Чехословакия ҳамкорлигининг бир қанча масалалари юзасидан фикрлашиб олдилар.

Суҳбат самимий, ўртоқларча вазиятда ўтди.

(ТАСС).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИ, «ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ФИРМАСИ, ЧИРЧИҚ ЭЛЕКТРОХИМИЯ КОМБИНАТИ ҲАМДА ҚИЙИН ЭРИЙДИГАН ВА ЎТГА ЧИДАМЛИ МЕТАЛЛАР КОМБИНАТИ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети В. И. Ленин номли металлургия заводи, «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси, Чирчиқ электрохимия комбинати ҳамда қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинати меҳнаткашлари беш йиллик топшириғи ва 1970 йил планини муддатидан илгари бажариш юзасидан мажбурият қабул қилиб қимматли ватанпарварлик ташаббуси кўрсатганликларини маъқуллади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон Компартияси область, шаҳар, район комитетларига 1970 юбилей йилида беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан ўз зиммаларига мажбурият олган ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар коллективларининг ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва кенг оммалаштиришни тавсия қилди.

Республика газета, журналлари редакцияларига ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Радио эшиттириш ва телевидение Давлат комитетига юбилей йилида қабул қилинган мажбуриятларнинг қандай бажарилаётганлигини матбуот саҳифаларида, радио ва телевидение орқали кенг ёритиш таклиф этилди.

В. И. ЛЕНИН НОМЛИ МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИ
КОЛЛЕКТИВИНИНГ МАЖБУРИЯТИ

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада завод коллективи янги меҳнат зафарларини қўлга киритди ҳамда КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг Ленин юбилейи Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. 1970 йилнинг тўрт ойи мобайнида планга қўшимча тарзда 1925 тонна пўлат, 2640 тонна сортли прокат, 230 тонна тунука тайёрланди. 280 минг сўмлик фойда кўрилди. Меҳнат унумдорлиги ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 9,8 процент ортди.

Имкониятларни чамалаб кўриб ҳамда СССР Олий Советига сайловлар арафасида завод меҳнаткашларининг гайратшижоати мавж ураётганини инобатга олиб В. И. Ленин номли завод коллективи ўзининг илгариги социалистик мажбуриятларини қайта кўриб чиқиб янги мажбуриятлар олди.

Беш йиллик план муддатидан илгари 7 ноябрда бажарилади ва беш йил мобайнида меҳнат унумдорлигининг 45 процент ортишига эришилади. 1970 йилда планга қўшимча тарзда 4 минг тонна пўла, 6600 тонна сортли прокат ва 400 тонна тунука реализация қилинади.

Янги техника ва илғор технология, меҳнатни илмий уюштириш тадбирларини жорий этиб, ҳамда ички резервларни сафарбар этиб, меҳнат унумдорлиги 1969 йилдагига нисбатан 3,6 процент оширилади. 200 тонна металл, 500 минг киловатт соат электр энергияси тежаб қолинади ва планга қўшимча равишда 400 минг сўм фойда олинади.

Меҳнатни илмий уюштириш планларининг жорий этилишидан 120 минг, рационализаторлик таклифларини жорий этилишидан 130 минг сўм иқтисодий тежам олинади.

Завод коллективи ижтимоий тараққиётининг перспектив планини жорий этишга киришилади.

Завод меҳнаткашлари ўртасида ғолиб-тарбиявий ишлар кучайтирилади, маданий-оқартув ишлари яхшиланади, иқтисодий билимлар университета ҳамда коммунистик меҳнат мактабларининг ишчи ҳам яхшиланади. Меҳнатни шарафлаш, ишлаб чиқариш илғорларини қутлаш кечалари ҳамда кекса ишчилар билан учрашувлар тез-тез ўтказиб турилади. Меҳнат шарафи завод музейи бунёд этилади.

Бу социалистик мажбуриятлар В. И. Ленин номли металлургия заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилишларида маъқулланган.

«ҚИЗИЛ ТОНГ» ТИКУВЧИЛИК ФИРМАСИ
КОЛЛЕКТИВИНИНГ МАЖБУРИЯТИ

Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик фирмасининг коллективи ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, зиммасига қуйидаги оширилган социалистик мажбуриятларни олади.

Беш йиллик план 4 ноябрда адо этилади ва йил охиригача 5 миллион 560 минг сўмлик қўшимча маҳсулот тайёрланади.

Янги техникани жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаш эвазига меҳнат унумдорлиги беш йиллик мобайнида планда белгиланган 31 процент ўрнига 74 процент кўтарилади. 1970 йилда эса меҳнат унумдорлиги 1969 йилдагига нисбатан 17 процент ортади.

Беш йиллик мобайнида планга қўшимча тарзда 2 миллион 300 минг сўмлик жамғарма тўпланади.

Технологик режимни яхшилаш, ички резервларни ишга солиш ҳамда ишчиларнинг малакасини ошириш эвазига:

беш йиллик мобайнида 171 минг квадрат метр ҳар хил газлама тежалади, да эса 100 минг киловатт соат электр энергия тежалади;

Бекаму кўст маҳсулот тайёрлашнинг саратовликлар усулини жорий этиб, 1970 йилда камеганда маҳсулотнинг 93 процентини биринчи кўрсатишдаёқ топширишга эришилади.

Юбилей йилида маҳсулотнинг 11 моделини «Давлат сифат белгиси»ни олишга тайёрлаш.

Фирманинг ўз жамғармалари ҳисобига 100 ўринли ошхона қуриб битказилади.

1970 йилда 600 нафар янги ишчи тайёрланади, 300 нафар ишчи иккинчи касбни ҳам ўрганиб олади.

130 минг сўмлик иқтисодий наф берадиган 60 та рационализаторлик таклифи жорий этилади.

Бу социалистик мажбуриятлар «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилишларида қабул қилинган.

ЧИРЧИҚ ЭЛЕКТРОХИМИЯ КОМБИНАТИ
КОЛЛЕКТИВИНИНГ МАЖБУРИЯТИ

Чирчиқ электрохимия комбинати ишчи, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари зиммаларига қуйидаги социалистик мажбуриятларни оладилар.

Минерал ўғит ишлаб чиқариш бўйича беш йиллик план муддатидан илгари 7 ноябрда бажарилади ва қўшимча тарзда 334 минг тонна минерал ўғит ишлаб чиқарилади. 1970 йилда планга қўшимча тарзда товар маҳсулотлари тайёрланади.

Янги техникани жорий этиш, ишлаб чиқаришни уюштиришни яхшилаш, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаш ҳисобига меҳнат унумдорлиги беш йиллик мобайнида планда кўзда тутилган 22,8 процент ўрнига 35,2 процентга ортади.

1970 йилда рационализаторлик таклифларининг жорий этилишидан 550 минг сўмлик иқтисодий наф кўрилади, меҳнатни илмий уюштириш планларининг жорий этилишидан 100 минг сўм тежам олинади.

Техника тараққиёти соҳасида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

учинчи квартал мобайнида бўш азот кислотаси цехининг битта абсорция колоннаси реконструкция қилинади;

азот саноати марказий давлат институти билан ҳамкорликда циркуляция газини мойдан тозалаш фильтрларини ойна тола ишлатиб реконструкция қилинади;

аммиак селитрасини темир йўл вагонларига ортишни механизациялаш бобида битта қоп жойлайдиган машина тайёрлаш;

Фойда олиш беш йиллик плани 11 октябрда адо этилади ва планга қўшимча тарзда 8,7 миллион сўмлик фойда олинади.

Технологик режимни яхшилаш, ички резервларни ишга солиш ҳамда ишчиларнинг малакасини ошириш эвазига 1970 йилда 5 миллион киловатт соат электр энергияси ва 5 минг мегакалорий буғ тежаб қолинади.

Маҳсулотни бекаму-кўст тайёрлашнинг саратовликлар ишлаб чиққан усулини жорий этиб асосий маҳсулотнинг камеганда 92 процентини биринчи кўрсатишдаёқ топширилишига эришилади.

6 минг квадрат метр уй-жой қуриб битказилади.

1970 йилда 250 нафар ишчи кадрлар тайёрланади, 180 киши иккинчи ҳунарни ҳам ўрганиб олади, 300 инженер-техник ходим, шу жумладан 75 киши ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда малакасини оширади, 900 ишчи касб-ҳунарлари бўйича курсларга юборилади, 230 киши илғор иш усуллари мактабларида, 90 киши ишлаб чиқариш техника курсларида таълим олади.

Оталиғимиздаги саккизинчи, ўнинчи, ўн бешинчи мактабларни зарур материал ва ишчи кучи ажратиб ўз вақтида ремонт қилиб берамиз.

Ўрта Чирчиқ районидаги Ленин номли колхозга ҳамиша оталиқ ёрдами кўрсатилади.

Бу социалистик мажбуриятлар Чирчиқ электрохимия комбинати ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг йиғилишларида қабул қилинган.

КИЙИН ЭРИЙДИГАН ВА ЎТГА ЧИДАМЛИ МЕТАЛЛАР КОМБИНАТИ
КОЛЛЕКТИВИНИНГ МАЖБУРИЯТИ

В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига ўз зиммаларига олинган социалистик мажбуриятларни бажарган қийин эрийдиган ва ўтга чидамли металлар комбинатининг меҳнаткашлари ўз ишларига берилган юксак баҳо — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети ҳамда Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг Ленин юбилейи Фахрий ёрлиғи билан тақдирланганидан руҳланиб, беш йилликнинг сўнгги босқичида зиммамизга оширилган социалистик мажбуриятлар оламиз.

Беш йиллик план 1 декабрда бажарилади ва беш йиллик планга қўшимча равишда бирнеча юз минг сўмлик маҳсулот тайёрланади.

Янги техникани жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш, рационализаторлик таклифларини, меҳнатни илмий уюштириш планларини ва бошқа тадбирларни жорий этиш ҳисобига:

— беш йилликда меҳнат унумдорлигининг 30 процент ортишига эришилади;

— 790 минг сўмлик йиллик иқтисодий тежам олинади;

— 1970 йилда 1 миллион 550 минг киловатт-соат электр энергия тежаб қолинади.

Цехлардан чиқаётган оқава сувлардан фойдаланиш эвазига қишлоқ хўжалигимиз учун 2 минг тонна минерал ўғит тайёрланади.

Маҳсулот сифатини янада яхшилаш ва металл саралаб олишни кўпайтириш мақсадида қаттиқ қотишмалар Бутуниттифоқ илмий тадқиқот институтининг Чирчиқ филиали билан ҳамкорликда қуйидагилар ўзлаштирилади:

вольфрам эритмаларини молибден ва кремнийдан узлуксиз тозалаб олиш жараёни, ТК қотишмаларини вакуум шароитида туташтириш;

вольфрам штабикларини ишлаб чиқариш бўйича;

6-цехда газ тозалаш, оқава сувлардан фойдаланиш ишга туширилади.

трансформатор мой хўжалигида янги қувватлар ишга солинади;

280 ўринли болалар боғча-яслиси қуриб битказилади;

спорт иншоотларининг биринчи навбати қуриб бўлинади.

Тошкент область Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхозга оталиқ ёрдами кўрсатилади.

Бу социалистик мажбуриятлар ком бинат партия-хўжалик активининг йиғилишида қабул қилинган.

РЕЗЕРВЛАР—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Кеча Тошкент область партия комитетида шаҳар ва район партия комитетлари секретарлари, саноат корхоналари ва қурилиш индустрияси корхоналари раҳбарлари ҳамда бошланғич партия ташкилотлари секретарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Унда область корхоналари коллективларининг тўрт ойлик планни бажариш якунлари ва беш йиллик топшириғини муддатидан илгари бажариш учун резервларни сафарбар қилиш ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Шу кунниг асосий вазифаси ишлаб чиқариш самарадорлигини ҳар томонлама оширишдир, деб таъкидлашди кенгаш қатнашчилари. Областимиз меҳнаткашлари бу вазифани бажариш учун бутун куч-ғайратларини сафарбар этмоқдалар. КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг «Ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ва халқ хўжалигида иқтисодий режимни кучайтириш тўғрисида»ги Хатини кенг муҳокама қилган корхоналарнинг ишчи-хизматчилари бу борада белгиланган тадбирларни амалга оширишга эътиборни кучайтирмоқдалар.

Кенгашда қолоқ корхоналар ишини яхшилашга алоҳида эътибор берилди.

Кенгашда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. М. Мусахонов нутқ сўзлади.

ҚАҲРАМОНЛАР ХОТИРАСИ АБАДИЙ

Ватан озодлиги ва бахти учун жонини фидо қилган улуғ совет эли ўғил ва қизларининг шижоатлари ҳар қанча йиллар ўтса ҳам халқ хотирасидан асло ўчмайди. 9 майда немис фашизми устидан қозонилган ғалабанинг 25 йиллиги кунида бепоён мамлакатимизнинг турли жойларида минг-минглаб кишилар абадийлик қаҳрамонлик ва мардликни ҳурматладилар ва шуҳратладилар.

Совет саркардалари 9 майда Кремль девори олдидаги комаълум солдат қабрига гулчамбар қўйишди. Қизил лентага: «номаълум солдатга СССР Қуролли Кучларидан» деган сўзлар ёзилган. Гулчамбарни қўйиш маросимида СССР Мудофаа министри Совет Иттифоқи Маршали А. А. Гречко, СССР Мудофаа Министрининг биринчи ўринбосари Совет Иттифоқи Маршали И. И. Якубовский, Совет Армияси ва ҳарбий Денгиз Флоти Бош сиёсий бошқармасининг бошлиғи армия генерали А. А. Епишев ва бошқалар ҳозир бўлишди. Улар Улуғ Ватан урушн йилларида ватан озодлиги ва мустақиллиги учун немис-фашист босқинчиларга қарши олиб борилган курашда мардларча шаҳид бўлган совет жангчиларининг хотирасини бир минут сукут қилиб ҳурматладилар.

* * *

Совет халқининг фашистлар Германияси устидан қозонган ғалабасининг 25 йиллиги кунида Тошкент меҳнаткашлари Улуғ Ватан уруши фронтларида ҳалок бўлган қаҳрамонлар хотирасини ҳурмат билан эсга олдилар. Госпиталларда яраси тузалмай ҳалок бўлган жангчилар дафн этилган Волгоград кўчасидаги қабристонга 9 май куни минглаб ишчилар, хизматчилар, студентлар, ўқувчилар, жангчилар келишди. Бу ерда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советидан гулчамбарлар қўйилди. Гулчамбарлар қўйиш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари, республика ва унинг пойтахти партия ҳамда совет ташкилотларининг бошқа раҳбар ходимлари қатнашдилар.

(ТАСС).



Янгиёўл районидаги Калинин номли колхозда ғўза парваришни яхши олиб борилмоқда. Айниқса Нурисанд Мамбетов бошлиқ звенода иш намунали ташкил этилган. Бу звено пахтакорлари беш йилликнинг сўнгги йилида гектаридан 32 центнердан «оқ олтин» кўтариш учун социалистик мажбурият олиб, меҳнат қилмоқдалар. Суратда: звено даласида.

А. Абалян фотоси.

ҚИШЛОҚ УЙЛАРИ ҲАҚИДА ЎЙЛАР

Колхозчиларнинг Бутуниттифоқ III съездида қишлоқ қурилиши масалаларига катта эътибор берилди.

Бу бежиз эмас, албатта. Коммунистик партия ва Совет ҳукумати томонидан қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш, колхозлар ва совхозлар экономикасини мустаҳкамлаш юзасидан белгиланган тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилиши кўп жиҳатдан қишлоқ қурилишининг аҳволига боғлиқ.

Шунинг учун ҳам сўнгги йилларда қишлоқ қурилиши ҳажми тез суръатлар билан кенгаймоқда. У қурилиш ишлаб чиқаришнинг муҳим тармоқларидан бирига айланиб қолди. Ҳозирги вақтда умуман мамлакатимиз бўйича капитал қурилишига сарфланаётган маблағнинг салкам учдан бир қисми қишлоқ қурилиши учун ажратилмоқда.

Қишлоқларимиз шаҳар қиёфасига кирмоқда. Областимизнинг қатор қишлоқлари ва поселкалари бунга мисол бўла олади. Деҳқонлар кўпквартирали, истиқомат қилиш учун барча қулайликлари бўлган уйларда яшамоқдалар. Кўчаларга асфальт ётқизилган. Ўнлаб маданий-маиший муассасалар қишлоқ хўжалик механизаторлари хизматида.

Лекин айни вақтда жуда кўп қишлоқларнинг архитектура-планировка ечими кўнгилдагидек эмаслигини тан олиш керак. У даврнинг талабларига жавоб бермайди. Кўпинча бош планлар асосида қурилмайди. Қатор қишлоқларда уйлар дуч келган жойга қурилаверади. Бунда бинолар қурилишнинг прогрессив усуллари ва уйларнинг янги типлари инобатга олинмайди.

Гап бош пудратчи, унинг қишлоқ бинолари давр талаби даражасида қура олмаслигида эмас. Қишлоқ бинокорларимиз жуда ажойиб иморатлар қуришнинг уддасидан чиқмоқдалар. Масалан, Паркентдаги мактаб, Оққўрғондаги колхозлараро пионерлар лагери, Оққўрғон районидаги «Озод» колхозининг энг замонавий план асосида қурилаётган тажриба посёлкаси ва бошқа қатор объектлар фикримизнинг далили бўла олади. Ҳа, колхоз қурувчилари замонавий архитектура асосида лойиҳаланган бинолари қуришнинг уддасидан бемалол чиқадиган бўлиб қолдилар.

Ҳамма гап лойиҳачиларда қолган. Чунки, жуда кўп қишлоқ иншоотларининг лойиҳаси жуда паст савияда тайёрланади. Бунинг учун мисоллар келтириш мумкин. Область колхоз ва совхозларида «Узгипросельстрой» институти томонидан ишлаб чиқилган «04» ва «03» серияли типовой лойиҳалар бўйича жуда кўп уйлар қурилди. Бу лойиҳаларнинг бир қанча камчиликлари бор эди: хоналар тор, уй-жой майдони сатҳи кичик, ободлик даражаси паст. Шунинг учун ҳам республика Госстройи бу лойиҳаларнинг эскириб қолганлиги учун бекор қилди.

Ҳозир худди шу лойиҳалаш институти коллективи тайёрлаган «0—40» сериядаги типовой лойиҳалар бўйича уйлар қурилмоқда. Унда уйларнинг саккиз хили бор. Бир хонадондан то тўрт хонадонлик қача бўлган бундай квартираларнинг фойдали майдони 17 квадрат метрдан 52 квадрат метргачадир. Шунингдек «Узгоспроект»нинг «164» серияли лойиҳаси ҳам тобора кенг қўлланилмоқда. Бу лойиҳада уйларнинг 16 хили учун ҳужжатлар ишлаб чиқилган. Улар уч, тўрт ва беш хонали бўлиб майдони 43 квадрат метрдан 73 квадрат метргачадир. Бундай уйларда водопровод, канализация, иситиш тармоқларининг бўлиши ҳам назарда тутилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, уй-жой майдонининг кенгайиши, ободончилик даражасининг ошиши қурилишнинг смета варақини анча қимматлаштириб юборди. У илгариги 6 минг сўмдан 13 минг сўмликка кўтарилди. Табиий равишда бу деҳқонларнинг таънасига сабаб бўлмоқда. Қишлоқ уйларини лойиҳалаш билан шуғулланувчи институтлар шуни ҳисобга олиб, уйларнинг янги лойиҳаларини ишлаб чиқишлари, уларнинг таннархини арзонлаштиришга алоҳида аҳамият бермоқлари даркор.

Қишлоқлар учун қандай лойиҳалар керак? Шу ҳақда айрим фикрлар баён этмоқчимиз. Илгари қишлоқларда бўлмаган бинолари лойиҳа бўйича қуриш жуда осон. Жамоат бинолари, катта ҳажмдаги ишлаб чиқариш иморатларини (фермалар, омборлар, элеваторлар) жойлаштириш унча қийин эмас. Аммо қишлоқ уйлари ҳақида бундай деб бўлмайди. Уларнинг планировкаси ва ташқи қиёфаси асрлар давомида вужудга келди.

Шунинг учун ҳам замонавий қишлоқ уйларини яратмоқ учун қишлоқ ҳаётининг сақланиб қолган турмуш анъаналарини янги талаблар билан боғлай билиш талаб этилади. Бунда хўжаликларнинг инженерлик коммуникацияларг учун жуда катта маблағ сарфлашларига йўл қўймаслик керак. Қишлоқ уйларига хос ташқи жозибали қиёфани сақлаб қолган ҳолда унинг янги типовой ечимини қўлланиш зарур. Бизнинг республикамиз ва областимиз шароитида қишлоқ уйларининг албатта болахонаси бўлиши лозим. Чунки қишлоқ механизаторлари ёз оқшомларида болохонада дам олишга одатланишган.

Деҳқон айрим квартирадагина эмас, балки айрим ҳовлида яшашга ўрганган. Шунинг учун ҳам, айниқса, кўп квартирали уйлар қуришда буни эсдан чиқармаслик керак. Миллий хусусиятлар ва анъаналарни ҳисобга олиб, турар-жойлар типини, квартиралар планировкасини, уларнинг ободлик даражасини аниқлаш жуда муҳимдир.

Жуда кўп колхозларда уйларни катта тошйўлларнинг икки томонига қуриш одат бўлиб қолди. Мисол учун Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози поселкасини кўрсатиш мумкин. Унинг деярли барча уй-жойлари, қатор маданий-маиший муассасалари катта йўл атрофида жойлашган. Бу шунинг учун содир бўлмоқдаки, типовой лойиҳалар ҳали кам, планировка ечими кўпинча тугал мазмунга эга эмас, бу ечимлар пала-партиш тайёрланади.

Қишлоқлар ва поселкаларни оқилона ва тўғри ободонлаштириш учун хўжалик биноларини тўғри жойлаштириш талаб этилади. Айрим вақтларда колхозчилар ўз ташаббуслари билан лойиҳада назарда тутилмаган саройлар, вақтинча яшашга мўлжалланган уйлар қурадилар, ҳовлиларга атрофига девор оладилар. Бунинг қишлоқлар қиёфасини бузишдан бошқа нарсага нафи тегмайди. Бунга йўл қўймаслик учун лойиҳа талабларига қатъий риоя қилиш керак.

Қишлоқ жойларида қурилишни тартибга солиш кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалик районларининг планировкасини замонавий лойиҳасини яратишга боғлиқ. Бу лойиҳаларда колхоз хўжалигининг барча тармоқлари ва у билан боғлиқ бўлган капитал қурилишини кенгайтириш масалаларини комплекс ҳал қилиш назарда тутилмоғи лозим. Яъни ишлаб чиқариш объектлари ва уй-жой массивлари, йўллар, энергетика тармоқлари, алоқа воситалари, қурилиш ташкилотлари қувватларини ва уларнинг базасини ривожлантириш, шунингдек қурилишни олиб бориш тартибини аниқ белгилаш лозим.

Бу масалаларни ҳал қилиш ҳозирги вақтда «Узгипрозем», «Узгипросельстрой» институтларига боғлиқ. Бунинг учун уларда етарли малакали мутахассислар бор. Бу институтлар архитекторларни айрим колхозлар ёки районларга бириктириб қўйишса яхши бўлур эди. Чунки улар қурилиш устидан муттасил назорат олиб борадилар.

Архитекторлар союзи ва Тошкентнинг архитекторлар жамоатчилиги қишлоқ қурилишига бебаҳо ёрдам кўрсатишлари мумкин. Бунинг учун архитекторлар вақтивақти билан айрим колхозларга чиқиб туришлари ва қурилишнинг бориши билан муфассал танишишлари, ўз мулоҳазаларини союзнинг секциялари мажлисларида ўртага ташлашлари лозим. Бу мажлисларда қурувчилар, лойиҳа авторлари ва уларни амалга оширувчиларнинг вакиллари, колхозларнинг раҳбарлари иштирок этмоги керак. Ўзаро фикрлашиш асосида бундай мажлисларда ишлаб чиқилган тавсиялар қишлоқ қурилишини яхшилаш ишига озми-кўпми ижобий таъсир кўрсатади.

Хулоса шуки, архитекторлар қишлоқларга тез-тез чиқиб туришлари ва янги лойиҳаларни яратишда деҳқонларимизнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олишлари лозим.

П. ИБАТУЛЛИН,
«Облколхозстрой» трестининг катта инженери.

МЕБЕЛСОЗЛАР ТУҲФАСИ

2-мебель фабрикасининг аҳил коллективи биринчи кварталда маҳсулот реализация қилиш планини муваффақиятли адо этишган эди. 4 ойлик топшириқни эса муддатидан ўн кун олдин бажаришди.

Корхона зарбдорлари пойтахтимиздаги В. И. Ленин номли Марказий музей филиали учун 40 дона катта ва кичик стол, экспонатлар учун столлар, кабинетлар учун эса гарнитурлар тайёрлаб беришди. Ишчилардан Ю. Камалиев, А. Ильченко, Н. Ангалишев, А. Рискам ўртоқлар кунлик норма ни ошириб адо этишда ҳамкасбларига ўрнак бўлишяпти. Улар тайёрлаётган маҳсулотлар ўзининг сифатли ишланганлиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради.

Айни кунларда мебелсозлар юбилей йили давлат планини муддатидан олдин бажариш учун барча ички имкониятларни ишга солиб, баракали меҳнат қилишмоқда.

Ҳ. ИЛҲОМОВ.



Ракеталар пахтакорларга мададкор бўлмоқда. Ҳа, ҳайрон бўлманг! Ўзбекистон дўлга қарши кураш экспедицияси пахтакорларга яқиндан ёрдам бермоқда. Зенитчи ва ракетачилар дўл ёғиш хавфини туғдирган булутларни ўққа тутадилар, натижада булут тарқатиб юборилади. Бу усул биргина Чуст районида 4 миллион сўм фойда келтирди. Суратда: экспедициянинг катта инженери Вадим Мирошник ва инженер Валентин Агапов ўртоқлар радиолакаторяни созламоқдалар.

Е. Ключнев ва Е. Корниенко фотоси. (ЎзТАГ).

ШИФОХОНА КОММУНИСТЛАРИ

Эл соғлиги — юрт бойлиги. Биз гилишларидан бирида коммунист- мокда. Ўтган давр ичида илмий лар ҳам кўрсатиб ўтилди. Айниқ-

Партия турмуши

нингдек, мажлисда коммунист Тучинский бошлиқ участкада меҳнат интизоми бўшашиб кетганлиги танқид қилинди. Бу ўртоқлар кўпчилик ўртасида сўзга чиқиб, камчиликларни тан олдилар, ўз участкаларида ишни ҳар тарафлама яхшилашга сўз бердилар.

Партия йиғилишларида ҳам кўпинча врачнинг бурчи, беморларга муносабати масаласи муҳокама қилинади. Бу соҳада ибрат кўрсатиб ишлаб келаётган шифокорларнинг тажрибасини кенг оммалаштирмоқдамиз.

Коммунистларнинг умумий йиғ-

қарли ва мазмунли ўтиши учун пухта тайёргарлик кўрадилар.

Партия ташкилоти комсомолларга раҳбарлик соҳасида ҳам айрим тадбирларни амалга оширмоқда. Бизда ҳаммаси бўлиб 260 комсомол бор. Партия мажлисида комсомолларнинг фаолияти тез-тез муҳокама қилиб турилади. Хусусан яқинда бўлиб ўтган бюро йиғилишларидан бирида биз комсомол ташкилотининг секретари С. Мусамуҳамедовнинг ҳисоботини эшитдик. Комсомол ташкилоти ишидаги ижобий тажрибалар қайд қилинишини билан бирга камчилик

Комов ўртоқларнинг ишга муносабати масаласи муҳокама қилинди Гап шундаки, кейинги пайтларда улар коллектив ўртасида ўзларини бошқача тута бошладилар. Топшириқни бажаришда масъулиятсизлик кўрсатдилар. Коммунистлар уларнинг бу хатти-ҳаракатларини қаттиқ қораладилар. Шу-

коммунизмга бағишланган бир неча бор семинарлар ўтказилди. Бу семинарларда асосан олий маълумотли врачлар қатнашдилар.

Сиёсий иқтисодни ўрганиш тўғрагига эса пропагандист Нурхўжаев, бошланғич сиёсий мактаб машғулотларига эса Олейник ўртоқлар раҳбарлик қилмоқдалар. Улар ҳар бир машғулотнинг қизи-

Партия ташкилоти комсомолларга раҳбарлик соҳасида ҳам айрим тадбирларни амалга оширмоқда. Бизда ҳаммаси бўлиб 260 комсомол бор. Партия мажлисида комсомолларнинг фаолияти тез-тез муҳокама қилиб турилади. Хусусан яқинда бўлиб ўтган бюро йиғилишларидан бирида биз комсомол ташкилотининг секретари С. Мусамуҳамедовнинг ҳисоботини эшитдик. Комсомол ташкилоти ишидаги ижобий тажрибалар қайд қилинишини билан бирга камчилик

Т. ЮСУПОВ,
1-республика клиник касалхонаси партия ташкилотининг секретари.

САВДО МАДАНИЯТИ УЧУН



Баҳри Иброҳимов Тошкент трактор заводида моҳир токарь бўлиб танилган. Коммунистик меҳнат зарбдори шу кунларда ишлаб чиқариш топшириқларини мунтазам ошириб адо этмоқда. Суратда: ўртоқ Б. Иброҳимов.

И. Шониғомов фотоси.

Аҳолига маданий савдо хизмати кўрсатишни асосий бурч деб билган Октябрь район ошхоналар трести коллективи қатор намунали тадбирларни амалга оширяпти. Шу мақсадда трест ошпазлари кун сайин маҳоратларини ошириб кўпчиликка манзур бўладиган таомлар пиширишнинг янги-янги усулларини топмоқдалар. Бу ҳақда район ошхоналар трестининг директори ўртоқ **Н. Низомов** мухбиримиз билан суҳбатда қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Трестимиздаги ошпазлар санъатини ошириш борасида кўпгина тадбир кўряпмиз. Бу борада барча янги ташаббус ва тажрибаларга таяняпмиз. Кекса тажрибали ошпазлар ўз маҳоратларини бошқаларга муттасил ўргатиб келмоқда. 10-ошхона бош ошпази Қудрат Ғаффоров, «Миконд» заводининг бош ошпази, шаҳар Советининг депутати Фаттоҳ Алимов каби жуда кўп ошпазлар 40 йилдан бери шу соҳада ишлаб келаётган савдо аълочиси. 34-ошхона ошпази Темир Алимуҳамедов кўлида лаззатли таом тайёрлаш сирларини эгаллашган. 20-ошхона бош ошпази В. Динас ҳам хўрандалар ҳурматини қозонган.

233-мактабда ленинградликлар тажрибасини қўлладик. Бу ерда ўқувчилар учун алоҳида стол ташкил қилинган. Тажрибали ошпазлар ўқувчиларга ҳар хил меюда лаззатли иссиқ овқат тайёрлаб беришади. Бу ташаббусни бошқа мактабларда қўллаш тадбирларини кўряпмиз.

Пойтахтимиздаги рус тили ва адабиёти институти қошидаги ошхона коллективи ишлари ҳам ибратлидир. Қобил Ҳакимов бошчилик қилаётган бу коллектив ҳар куни тайёрлаган таомлардан намуналарни кўргазмага қўйиб, хўранда ўзига ёқан таом турини шу ердан олиб истеъмол қилади.

Хўрандалар талаби биз учун ишларимиз режасини белгилаб беради, чунки ошпазларимиз ҳар доим уларнинг кўнгли тусаган таомларни пиширишга интиладилар. Аҳолининг тандирда ёпилган иссиқ нонларга бўлган эҳтиёжи ҳам ошиб боряпти. Буни ҳисобга олиб, ошхоналар қошида тандирлар қуриб, доимо иссиқ нон ёпишни таъминлашга ҳаракат қиляпмиз. Рус тили ва адабиёти институтидаги, «Бешқайрағоч» массивида бешта нонвойхона ишлаб турибди. «Қорақамиш» массивида учта ошхона ва яна бир йирик типовой ошхона қурилиши бошлаб юборилди. 60 ўринли чойхона қуриб берилди. «Ривож» маҳалласида ёзлик чойхона қайта қурилмоқда. Тошкент Давлат университетида 100 ўринли ошхона фойдаланишга топширилди. Ил охиригача яна 100 ўринли ошхонани ишга туширмоқчимиз.

160 ошпаз бизда коммунистик меҳнат зарбдоридир. 6 ошхона коллективи коммунистик меҳнат бригадаси номини олиш учун курашяпти. Элга хизмат — олий ҳиммат. Одамлар таомларимизни истеъмол қилиб, қўлинг дард кўрмасин, дейишса шунинг ўзи катта мукофот.

Н. ЗИЁМУҲАМЕДОВА.

ХАЗИНАЛАР ИЗЛАБ

Ўзбекистон геофизика трестига қарашли Луначарск комплекс геофизика экспедицияси коллективи жуда хайрли ишни бажараяпти. Экспедиция геологлари зиммасига она еримиз бағрида ястаниб ётган жавоҳирларни кам маблағ ва меҳнат сарфлаб, тез топиш вазифаси юклатилган. Шу мақсадда экспедиция замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Унинг таркибидаги марказий лаборатория, тематик, тажриба-метод ва геохимия партиялари фан ва техника соҳасида эришилган энг сўнгги ютуқларни кенг қўлланиб, янги конлар топиш борасида дурустгина натижаларга эришишмоқда.

Экспедиция мутахассисларини республикамизнинг жуда кўп районларида учратиш мумкин. Улар Уст-Юрт даштларида, Фарғона водийсида, Бухоро ва Қарши чўлларида ҳамда бошқа ўнлаб жойларда янги конлар қидиришмоқда. Геологлар қидирув ишлари давлат планларини бажариш, ҳаражатларни камайтиришда яхши натижаларга эришмоқдалар. Ўтган йили топшириқ 101 процент қилиб бажарилган эди. Тежаб қолинган маблағ миқдори бир миллион сўмдан ҳам ошиб кетганди.

Хазинатопарлар юбилей йилида ҳам самарали ишлашяпти. Беш йиллик планни муддатидан илгари бажариш юзасидан бошланган умумхалқ ҳаракатида актив иштирок этиш туфайли янги конлар қидириш ишлари ой сайин зиёдаси билан адо этилмоқда. Шу йилнинг тўрт ойлик плани анча ортиғи билан бажарилди, 300 минг сўмликка яқин маблағ иқтисод қилинди.



Кончилар ва энергетиклар шаҳри АНГРЕНДА СССР Олий Советига бўладиган сайловларга тайёргарлик кенг равишда қизғин юборилди. Шаҳар партия комитети ҳузурида агитпункт мудирлари ва мудир ўринбосарларининг семинарини ўтказди. Семинарда бу муҳим сиёсий кампанияга тайёргарлик, ҳамда сайловчилар ўртасида олиб бориладиган сиёсий оммавий ишларнинг форма ва методлари билан таништириб чиқилди.

Шахтёр клубига жойлашган агитпункт ҳозир сайловчиларни ўз бағрига чорламоқда. Агитпункт намунали қилиб жиҳозланган. Турли бадиий адабиётлар, кўргазмали агитация материаллари билан таъминланган. Агитпункт ўзининг аниқ иш планига эга. Шу планга кўра агитаторлар навбатчилик қилиб туришади.

9-шахта партия ташкилоти аҳил коллектив сафини бу йил тажрибали сиёсий билимдон коммунист ва партиясиз активлар ҳисобига қайта тўлдирди. Агитаторлардан ишчи М. Раззоқов, тог мастерлари К. Матаев, Э. Йўлдошев ўртоқлар Жигаристон посёлкасида ўзларига бириктирилган уйларда яшовчи сайловчилар рўйхатини аллақачон олиб бўлишди. Ҳозир улар сайлов олди оммавий-сиёсий тушунтириш ишларини авж олдирмоқдалар.

Агитаторлар сайлов олди мусобақасида актив қатнашаётган шахтёрларнинг меҳнат ғалабалари, шунингдек мамлакатимизда юз бераётган турли воқеа ва янгиликлар билан сайловчиларни таништириб боришмоқда.

В. ЎЛМАСБОЕВ.

Пухта ҳозирлик



ТОШКЕНТ шаҳридаги 164-ўрта мактаб биносига жойлашган агитпункт коллективи сайловолди оммавий-сиёсий тушунтириш ишларини бошлаб юборишди. Агитаторлар ўз участкаларидаги сайловчилар рўйхатини аллақачон олиб бўлишди. Агитпункт шу кунларда сайловчилар билан гавжум бўлмоқда.

Суратда: агитпункт мудири ўртоқ Т. Михалев агитаторлардан Л. Валиева ва З. Кабанова ўртоқларга навбатдаги топшириқларни бермоқда.

А. АВАЗОВ фотоси. ЎзТАГ.

248-ШУМИЛОВ САЙЛОВ ОКРУГИ БЎЙИЧА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ АХБОРОТИ

1970 йил 10 майда меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Советига сайлов бўлиб ўтди.

Овоз беришда 100 процент сайловчи қатнашди. Сайловчиларнинг ҳаммаси депутатликка номзодни ёқлаб овоз берди.

248-Шумилов сайлов округидан меҳнаткашлар депутатлари Тошкент область Совети депутатлигига Улуғ Бузруков сайланди. Ўртоқ Бузруков 1930 йилда туғилган, ўзбек, КПСС аъзоси, олий маълумотли, Тошкент область ижроия комитети секретари вазифасини бажариб келмоқда.

Округ сайлов комиссияси.

ҲАЛОЛ МЕҲНАТ — ҲАЁТ ЧИРОЙИ

Ишчи номи — шарафли ном

Уни корхонада ҳамма танийди, барча бирдек ҳурмат билан «бизнинг отахон» дейди. Бунда жон бор, албатта. Чунки у 32 йил бир соҳада ва шу корхонада ишлаб келмоқда. Тошкент заргарлик фабрикасининг кекса ишчиси Зикир ака Маҳкамовнинг меҳнат фаолияти фабриканинг гальван цехи ташкил топиши билан боғлиқдир. Цех ташкил топибдики, Зикир ака шу даргоҳда. Бунга роса 32 йил бўлибди!

Қизғин меҳнат қучоғида коллектив ҳурматига сазовор бўлган бир пайтда гитлерчи босқинчилар мамлакатимизга хиёнаткорона бостириб кирди. Уруш оқибатида фабрика ҳам бекилди. Корхона ишчилари Ватан ҳимоясига отландилар. 1942 йилда Москва, Ленинград ва Одесса шаҳарларининг заргарлик фабрикалари Тошкентга кўчириб келтирилди. У пайтда «Қизил болға» деб номланган артелда ишлаган кекса ишчилар шу фабрикаларга жалб қилинади. Улар орасида Зикир амаки ҳам бор эди. Ўз касбига меҳр қўйган заргар бу ерда ҳам маҳсулотнинг сифати учун қурашди.

— Шундай оғир шароитда ҳам давлат планини бажармай қолган эмасмиз, — эслайди Зикир амаки, — турли миллат вакилларидан иборат фабрика коллективи бир тану жон бўлиб, фронт орқасида фидокорона меҳнат қилди. Фабрика уруш вақтида турли жойларга кўчиб юрса-да, лекин иш бир минут ҳам тўхтаб қолгани йўқ...

Эндиликда эса бу фабрика ишлаб чиқараётган маҳсулотларни ҳамма ерда кўришингиз мумкин. Айниқса, хотин-қизлар безаги сирға, узук, билакузуклари республикамиздаги магазинларда жуда сероб.

Ҳозирги кунда фабрикада тилла, кумуш, алюмин ва гальван цехлари мавжуд. Биргина алюмин цехи ҳар ойда 240—300 мингта маҳсулот беради. Ана шу маҳсулотлар ҳаммаси гальван цехига келиб тушади. Бу ерда улар аввал ялтиратилади, сўнгра ранг берилади.

Буларни бажариш сиртдан жуда енгилга ўхшайди, аслида кўп меҳнат ва сабр-тоқатни талаб этади. Ана шу ишларга Зикир ака бош-қош.

Фабрикада доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига атаб 200 мингта значок тайёрланди. Бу значоклар ҳам гальван цехи ишчилари қўлидан ўтди.

Фабрикада алюмин цехи ютуқлари гальван цехига боғлиқлигини яхши билишади. Алюмин цехида шу кунларда ишлаб чиқарилаётган «лола», «юлдуз», «атиргул», узук ва бошқа турли хил номлар билан аталувчи сирғалар кўпчиликка манзур. Ана шу маҳсулотларнинг ҳаммаси ҳам Зикир ака ишлаётган гальван цехи ишчилари қўлидан ўтади.

Моҳир заргар ўзининг меҳнат фаолиятида жуда кўп ёшларга ҳунар ўргатди, уларни ишчи касбини шарафлашга ундади. Ў. Шоакбаров, Б. Аъзамов, А. Юсупов, И. Еқубов, Р. Шомаулов, С. Маҳкамов ва бошқалар унинг шогирдларидир.

Кўп йиллик хизматлари учун Зикир Маҳкамов фабрика маъмурияти томонидан бир неча бор ёрлиқлар ва қимматбаҳо буюмлар, икки марта тилла соат билан тақдирланди. Бултур унга коммунистик меҳнат зарбдори деган фахрий ном берилди.

Ҳалол меҳнат кишининг чиройини очади. Меҳнат қилганнинг юзи ёруғ, чеҳрасидан доим табассум аримайди, кўнгли ҳам доим равшан бўлади. З. Маҳкамов ҳам ана шундайлардан.

А. МАДРАҲИМОВ,
фабрика ишчиси.

ОНА ВАТАН БЎЙЛАБ




МОСКВА. Карл Маркс ва Фридрих Энгельс музейида В. И. Ленин юбилейи муносабати билан кўргазмалар хонаси очилди. Бу ерда намойиш этилаётган тарихий ҳужжатлар доҳийнинг революцион фаолияти ҳақида ҳикоя қилади. Суратда: кўргазмалар хонасида.

В. ЧЕРЕДИНЦЕВ фотоси. (ТАСС фотохроникаси).



АРМАНИСТОН ССР. Ереван шаҳрида 168 та болалар боғчаси ва яслиси ишлаб турибди. Буларда 25 минг кичкинтой тарбияланмоқда. Шаумян районидаги 159-болалар боғчасида болаларни яхши тарбиялаш учун барча имкониятлар яратиб берилган. Суратда: боғча мураббияси Лариса Хачатурян жажжилар даврасида.

А. БАДАЛЯН фотоси.



ЛАТВИЯ ССР. Саласпилс шаҳрида фашизм босқинчиларининг асорати натижасида жонларини фидо қилган қаҳрамонларга бағишлаб мемориал ансамбль бунёд этилди. Бу иншоот архитекторлардан Г. Асарис, О. Занаменний, О. Остенберг ва И. Страутманислар ижодига мансуб. Суратда: «Таслим бўлмаганлар» мемориал ҳайкали.

Е. ФАДЕЕВ фотоси.



ЛЕНИНГРАД. Яқинда давлат комиссияси «К.701» янги трактор моделини қабул қилди ва Киров тракторсозлик заводига «К.701» тракторларини ишлаб чиқаришни топширди. Унинг қуввати 280 от кучига тенгдир. Суратда: «К.701» трактори.

С. СМОЛЬСКИЙ фотоси.

ЯРОСЛАВЛДАН КЕЛГАН КИТОБ

Яқинда Тошкентга Нишон ака Асадов уйига Ярославдан бандероль келди. Ишдан қайтиб, бола-чақаси даврасида ўтирган хонадон соҳиби почтачи қўлидан бандеролни олиб, унинг адресига қарар экан, қалбида севинч ва ифтихор тўлқини мавж урди.

Нишон ака почтачига раҳмат айтиб, уни чойга таклиф этди. У хушхабар элчиси сумкасини елкасига илатуриб, эгасига келтирган китобга қизиқиб қаради ва унинг муқовасида «От Волги до Эльбы» деган русча сўзларни ўқиди. «Дўстлардан бўлса керак. Ғалаба байрами арафасида яхши совға келибди. Табриклайман» деди почтачи.

Нишон ака сўрига қайтганда, китоб аллақачон қўлма-қўл бўлиб, турмуш ўртоғи Хатира опа, қизлари ва ўғиллари, уни савол билан шоштириб қўйдилар.

— Китобнинг 189-бетини қаранг, ойи дадамларнинг суратларини чиқаришибди,—деди бурчакдан баланд бўйини чўзиб қараётган Илёс.

— Китоб ичидан хат чиқди. Мана,—хатни дадасига узатди Нишон аканинг институтда ўқийдиган қизи.

Хатда бундай ёзилганди: «Ярославль коммунистик дивизиясининг ветерани ўртоқ Н. А. Асадовга. Улуғ Ватан урушя йилларида босиб ўтилган жанговар йўлимиз хотираси учун сенга, қимматли дўстимиз «Волгадан Эльбагача» деган хотира китобимизни чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан тақдим этамиз.

Жанговар дўстимиз, кўп йиллар омон бўл, коммунистик қурувчиларнинг олдинги сафларида бўл, она-Ватанимизнинг шон-шуҳрати йўлида катта муваффақиятларни қўлга кирит. Ярославль Коммунистик дивизияси жангчиларининг жанговар шуҳратини ҳамиша юксак кўтар.

Муаллифлар.

Китобга 24 киши қўл қўйган. Ҳа, китобни собиқ Ярославль Коммунистик дивизиясида қўмондонлик лавозимларида ишлаган 24 киши ёзган. Дивизия комиссари М. П. Смирнов, Нишон ака командир бўлган пулемёт батальони комиссари М. Н. Кляузов ва бошқаларнинг жанговар хотиралари китобдан ўрин олган.

Китоб Ярославль шаҳрида нашр этилган. Унинг авторлари Ярославль областида яшайди. Нишон ака китобни варақлар экан, Улуғ Ватан урушининг энг оғир йиллари кўз олдида жонланди.

...1940 йилда Қизил Армия хизматига чақирилган ўқитувчи Нишон Асадов Калинин шаҳридаги ҳарбий қисмда оддий пулемётчи бўлиб хизмат этарди. У — ҳарбий ва сиёсий тайёргарлик аълочиси эди. Қирқ биринчи йил июнида уруш бошланиб қолди. Ярославль шаҳрида янги дивизия тузилаётгани ҳақида хабар келди. У ерга бир қанча кичик командирлар билан оддий аскар Асадов ҳам хизматга юборилди. У командирлар курсида ўқиб, пулемёт взводига командир этиб тайинланди. Ярославль области коммунистларидан тузилаётган 134-ўқчи дивизияда пулемёт взводига командир бўлди. Кўп вақт ўтмай дивизия жангга йўл олди.

Душман Калинин области ерларида изғиб юрарди. Унинг йўлини тўсиб, олдинга силжишини тўхтатиш ва қаттиқ зарбалар бериб, мадорини қуритиш вазифаси 134-ўқчи дивизия зиммасига топширилган эди.

Смоленск областига қарашли Белий ва Пречистое шаҳарчалари ўртасида бўлган жанглар Асадов ёдидан кўтарилмаган. Бу икки шаҳарчага элтадиган тош йўлдан фронт чизиги ўтарди. Бу йўллардан гитлерчилар олдинги линияларга ўқ-дори ва аскарларини олиб ўтарди. Қўмондонликдан бу йўлни ишдан чиқариш ҳақида буйруқ келди. Чунки бу йўл ўрмон ва ботқоқлар бўйлаб ўтарди. Йўл ишдан чиқса, душманга бошқа йўл қолмас эди.

Нишон ака китобни варақлар экан, унинг ҳар бир саҳифасида қадрдон дивизияси босиб ўтган мудофаа ва ҳужум жангларини кўз олдига келтирди.

Нишон ака учун охирги жанг 1943 йилнинг июль ойида Духовина районининг Долшино қишлоғида бўлди. Бу ерда душман бир неча кун тўхтовсиз атака қилиб, қаттиқ жанг бошлади. Қўлдан кетган муҳим мудофаа марраларига қайтишни, қўшинларимизни ноқулай аҳволда қолдириб, кейин мағлубиятга учратишни ўйларди. Катта тош йўл атрофида, ўрмон чеккасида шиддатли жанглар бошланиб кетди. Душман жанг майдонига янги кучларни ташлади. Икки томондан ҳам қурбонлар бўлди. Асадов батальонига бир неча соатга чўзилган шиддатли жанг олиб боришга тўғри келди. Гитлерчилар мўру малахдай пайдо бўлиб ёпирилиб келарди. Асадов йигитларига «жанг тақдири шу ерда ҳал бўлади, қаттиқ туринглар, аблаҳларни боплаб уринглар!» деб буйруқ берар ва ўзи ҳам гоҳ у, гоҳ бу пулемет ёнида пайдо бўлиб, пулеметлар ёнидан ўрин эгалларди.

Мана, ўрмон чеккасидаги 1-взвод пулеметчилари жимиб қолди. Асадов улардан хабар оламан, деб ўрмондан турган эди, агдарилиб тушди.

Кўзини очса госпиталда ётибди. Огир оёқ яраси тузалмади. Синган суякларн бутунлай тузалиб кетмади. Нишон ака шу-шу оқсайдиган бўлиб қолди.

У 1944 йилда Тошкентга қайтди. Шаҳар районларидаги партия ва совет ташкилотларида раҳбар лавозимларда ишлаб келди. Бир неча йилдирки, Ўзбекистон қурилиш материаллари саноати министрлиги кадрлар бўлимининг бошлиги бўлиб ишлаб келаяпти. У бир қанча жанговар медаллар билан мукофотланган.

Коммунист Нишон ака китобни варақлар экан, Ярославль коммунистларини, ўзи командир бўлган пулемет батальонини Эльбагача олиб борган ва у ердан галаба билан қайтган баҳодир, қадрдон жанговар дўстларини эслади.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ.



Суратда: жанг майдони. (ўнгда) М. Н. Кляузов, унинг ёнида батальон командири Нишон Асадов.

Халқаро аҳвол

Л. ШТРОУГАЛ МОСКВАГА КЕЛДИ

Чехословакияни Совет Армияси томонидан озод қилинган кунининг 25 йиллигига бағишланган «Чехословакия — 1970» юбилей виставкасининг очилиш маросимида қатнашиш учун Чехословакия Коммунистик Партияси Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг Раиси Л. Штроугал 10 майда Москвага келди. (ТАСС).

ЛИВАНГА ҚАРШИ ЯНГИ ИҒВОГАРЛИК

БАЙРУТ, 11 май. (ТАСС). Исроил ҳарбийлари Ливаннинг жанубий районларига қарши яна иғвогарлик қилдилар.

Ливан қўролли кучлари вакилининг айтишича, Исроил артиллерияси кечаси Ливаннинг Хиям қишлоғини бир соат мобайнида тўпга тутган. Бунинг натижасида тинч аҳолидан 3 киши яраддор бўлган, 11 бино, икки мактаб биноси, почта ва телеграф биноси ер билан яксон қилинган.

Шундан кейин, деди вакил, исроилликлар Кфар Шуба қишлоғини тўпга тутдилар. Аҳоли ўз вақтида пана жойларга яширинган учун зарар кўрмади. Аммо қишлоқда 38 уй вайрон бўлди ва деҳқонларнинг экинларига катта зарар етказилди.

Вакил ана шу ҳар иккала ҳужум вақтида Ливан артиллерияси жавоб тариқасида ўт очганлигини айтди.

КОСТА-РИКАНИНГ ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТИ

САН-ХОСЕ, 11 май. (ТАСС). Коста-Риканинг янги президенти Хосе Фигерес Феррер расмий суратда давлат бошлиғи вазифасини бажара бошлади. Феррер шу йил 1 февралда ўтказилган ялпи сайловда сайланган эди. Марказий Америкадаги ана шу мамлакатнинг конституциясига мувофиқ, президент сайланганидан уч ой ўтгач ўз вазифаларини бажаришга киришади. Президент 4 йилга сайлаб қўйилади.

Президент тантанали маросимда нутқ сўзлаб, «барча мамлакатлар билан нормал ва самимий муносабатлар» ўрнатишни ёқлади ва Шарқи-Жанубий Осиё ҳамда Яқин Шарқдаги можароларни тинч бартараф қилишга чақирди.

Хосе Фигерес Феррер 1907 йил 25 апрелда Сан-Рамоно шаҳрида врач оиласида туғилган. Олий агрономия маълумотига эга. Пирик ер эгаси.

Хосе Фигерес 1948—1949 ва 1953—1958 йилларда ҳам президентлик лавозимини эгаллаган эди. У, миллий озодлик буржуа партиясининг асосчиларидан бири.

ТИРИКЧИЛИК ҚИММАТЛАШМОҚДА

1970 йил қўпгина капиталистик мамлакатлар экономикасига ташвиш олиб келди. Ўтган тўрт ой шуни кўрсатиб турибдики, бир қатор мамлакатлар экономикасида тебранишлар, орқага кетишлар, саноат маҳсулотининг ўсиш суръатлари пасайиши, ишлаб чиқаришнинг кейинга кетиши содир бўлмоқда. Кўплаб саноат корхоналари бекилмоқда, ишчилар ишдан бўшатилмоқда. Капиталистик системани кескин валюта-молия кризис қаттиқ безовта қилмоқда.

Дунёнинг энг бой капиталистик мамлакати бўлган Америка Қўшма Штатларининг экономикаси турли тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажми бу йил ўтган йилга нисбатан камайиб бормоқда. Айниқса металлургия ва автомобиль саноатида қисқариш сезиларли даражада бўлди. «Бизнес уик» журналининг эътироф этишича, бўлат эритиш февраль ойининг сўнгги ҳафтасида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,4% га камайган, автомобиллар ишлаб чиқариш эса 6,5 процент қисқарган. «Дженерал моторс форд» ва «Крейслер» автомобиль корпорацияларн вақтинча ўзларининг бир неча корхоналарини бекитиб, юз мингдан ортиқ ишчи ва хизматчини ишдан бўшатишга қарор қилдилар. Бошқа бир қанча монополиялар ҳам бу соҳада автомобиль корларидан орқада қолмаётирлар. Натижа шўнга олиб келмоқдаки, мамлакатда ишсизлар сони доимо ошиб бормоқда. Шу йилнинг февраль ойида бутун мамлакатдаги ишчилар армиясининг 4,4 процентини ишсизлар ташкил этган. Бу сўнгги тўрт йилдаги кўрсатгичлардан анча ортиқдир.

АҚШ президенти Никсон мамлакатнинг иқтисодий аҳволи тўғрисидаги йиллик баёнотида, мамлакат экономикасида 1965 йилдан бери ривожланиб келаётган инфляциянинг мажмудлиги ва унинг Вьетнамдаги уруш учун сарф бўлаётган харажатлар билан боғлиқ эканлигини тан олишга мажбур бўлди.

Инфляция шунга олиб келмоқдаки, меҳнаткашларнинг турмуш даражаси тобора қимматлашмоқда, халқ оммасининг муҳтожлиги ошмоқда. Иш ҳақининг кўпайиши меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатидан, унинг интенсивлигидан, социал эҳтиежлардан анча орқада қолмоқда.

АҚШ меҳнат министрлиги экспертларининг кўрсатишича, мамлакатда тирикчилик қилиш, яшаш сўнгги ўн йил ичида 32 процент қимматлашди. Мамлакатда қашшоқларнинг сони кўпаймоқда, улар ҳозир 30 миллион кишига етади. Демак, АҚШда ҳар етти кишидан бири қашшоқдир.

АҚШ ҳукумати инфляциянинг қийинчиликларини кенг меҳнаткашлар оммаси ҳисобига бартараф этиш учун барча чораларни кўрмоқда. Солиқлар кўпайтирилмоқда, янги солиқлар чиқарилмоқда. Сўнгги йилларда АҚШда федерал ва маҳаллий солиқларнинг миқдори 20 процентга кўпайди.

Ҳал қилиниши зарур бўлган муҳим проблемалар: ишсизлик, қашшоқлик, қимматчилик бор бўлишига қарамай, АҚШ ҳукмрон доиралари ҳарбий ҳаражатларни кўпайтирмоқдалар. 1971 молия йили учун ҳарбий ҳаражатлар 73,6 миллиард доллар жами бюджетнинг (37%) қилиб белгиланди. Бу маблағнинг катта қисми Вьетнамда олиб борилаётган шармандали урушга сарф қилинмоқда. Айни вақтда қора кун кўрувчи меҳнаткашлар оммасининг ҳаётий эҳтиежларидан анча орқада қолмоқда.

Дунёнинг энг бой капиталистик мамлакати бўлган АҚШда ишсизлар сони 6 миллиондан ошиб кетди. Ўтган тўрт ой ичида 32 процент қимматлашди. Мамлакатда 1,5 миллиондан ортиқ деҳқонлар Милагро шаҳрида тўпланишиб ҳукуматни ер ислоҳотига қарши қаратилган сиёсатини кескин қораладилар. Ўз ҳуқуқларини талаб этиб кўп минг кишилик митинг ўтказдилар. Суратда: митинг пайти.

ТАСС фотохроникаси.

Капиталистик мамлакатларда ишсизлик, қашшоқлик, қимматчилик ва инфляция ҳаётнинг ўзи сингари аҳволни кўриш мумкин.

Ўтган 1969 йил мобайнида Канадада кийим-кечак, уй-жой бағишлаш, шунингдек уйлар, автомашиналарни ремонт қилиш нархи ҳам анча кўтарилди. Ийл мобайнида тирикчилик қилиш 6—7 процент қимматлашди. Айниқса медицина хизмати кўрсатиш баҳоси ошиб бормоқда. 1969 йилда Англияда 6 мингдан ортиқ хил товарлар ва хизмат кўрсатиш баҳоси оширилган. Айниқса озиқ-овқат, транспорт, уй-рўзғор анжомлари, кийим-кечак буюмларининг баҳолари кўтарилди. Мамлакатда ишсизлар сони ҳам ортиб бормоқда. Шу йил февраль ойида уларнинг сони 621 минг кишига етди. Бу, жами ишчиларнинг 2,7 процентига тўғри келади. Ишсизларнинг энг кўпи Лондон ва Шотландияда бўлиб, бутун ишчиларнинг 4,2 процентига тўғри келади.

Шу йилнинг бошида Францияда ҳам деярлик ҳар куни у ёки бу товарларнинг баҳоси ошиб бораётганлиги эълон қилинди. Сўнгги 6 ой ичида чакана баҳолар деярлик 12 процентга яқин кўтарилди.

Японияда 1969 йилда истеъмол буюмларининг баҳоси 6 процентга ортди. Айниқса, озиқ-овқат маҳсулотларининг баҳоси тез қимматлашмоқда. Ҳозирги вақтда Токиода озиқ-овқатнинг нархи бошқа капиталистик мамлакатлардагига нисбатан энг қимматдир.

Шунингдек Ғарбий Германия, Италия ва бошқа капиталистик мамлакатларда ҳам турмуш даражаси қимматлашмоқда, ишсизлар сони кўпаймоқда.

Экономиканинг беқарорлиги кучайиши, инфляция, тирикчилик қилишнинг қимматлашуви булар ҳаммаси йирик монополистлар манфаатини кўзлаб, халқ оммаси турмуш даражасининг ёмонлашуви ҳисобига ўз фойдасини оширишга уринаётган капиталистик мамлакатлардаги ҳукмрон доираларнинг олиб бораётган сиёсати натижасидир.

Ю. ИУЛДОШЕВ.

БОҒ ВА ТОКЗОРЛАРНИ АСРАЙЛИК

САВОЛИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Редакциямизга Тошкент шаҳрида яшовчи, ўқитувчи Мирзааҳмад Азаматов, САНИИЗСХнинг кичик илмий ходими Абдували Эргашев ва бошқа ўртоқлар хат ёзиб, мевали дарахт ва токларда учрайдиган касалликларни йўқотиш, турли зараркунандаларга қарши қандай курашиш кераклиги ҳақида маслаҳат сўраганлар. Уларнинг илтимосига кўра Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институти ўсимликларни ҳимоя қилиш лабораториясининг мудири ўртоқ В. Пашченко қуйидаги мақолани ёзиб берди:

Бу йил мевали дарахтлар ҳар йилгига нисбатан кўпроқ гуллади. Улар гуллаган даврда об-ҳавонинг қулай келиши ҳам гулларнинг яхши чангланишига имкон берди. Беш йилликнинг сўнгги йилида кўплаб мева олиш учун ҳамма шароитлар бор, дейиш мумкин. Токлар ҳам қишдан яхши чиқиб, тез ривожлана бошлади. Ҳар бир ток навдасида ҳам кўплаб шўра бор.

Ўтган йилги қишнинг анча қулай келиши ва баҳорнинг эрта бошланиши мевали дарахтлар ҳосилига кескин зарар етказадиган қишлоқ хўжалик ҳашаротлари тез ривожланишига имкон тугдирди. Ҳашаротлар, турли ширалар тез ривожлана бошлади. Уларнинг бундай актив ривожланиши ҳосилни камайтирибгина қолмай, балки уларнинг сифатига, мазасига ҳам таъсир қилиши мумкин. Олма қурти, олма канаси, турли қуялар, барг ширалари, бошқа экинларда тез кўпаяётган ширалар олма дарахтларида ҳам тез кўпайиб, улар баргини бужмайтириб қўймоқда. Токларга эса қул касали тушиб, ҳосилини тамомила барбод этиши мумкин.

Олма ҳосилига зарар етказадиган ҳашаротлар ва қуртларга қарши курашнинг биринчи даври олма дарахти гулламасдан илгари ўтказилади. Бу давр ўтиб кетди. Иккинчи давр ишлов даврини эса 15 майгача тугаллаш керак. Ана шу даврда белгиланган қоидаларга амал қилиш ҳамда энг яхши самара берадиган химикатлардан фойдаланиш лозим.

Иккинчи ишлов бериш даврида «ДДТ» дусти ёки «севин» препаратини, «рогор» ҳамда «антио» препаратларини аралаштирган ҳолда пуркалади. «ДДТ» билан «севин» препаратини эртаги олма дарахтлари бор жойларда ишлатмасдан, фақат «рогор» ёки «антио» препаратидан сепиш керак. Иккинчи ишлов беришда химикатларни пуркаш даври бир ҳафтадан кам бўлмаслигига эътибор қилиш зарур.

10 июндан бошлаб 20 июнгача учинчи давр бошланади. Бунда икки марта «рогор» ёки «антио» препаратидан 8 кундан оралатиб пуркалади.

Ҳашаротларга қарши курашда «ДДТ» дустининг 30 процентли порошогидан олинади. Бир килограмм дустни 100 литр сувга аралаштирилади. «Севин» препаратидан эса 100 литр сувга 300—400 грамм солиб эритилади. «ДДТ» дусти ёки «севин» препарати солиб тайёрланган 100 литр сувга 200 граммдан «антио» ёки «рогор» препапати қўшилади.

Агар эрта баҳорда мевали дарахтлардаги зараркунандаларга қарши дастлабки тадбирлар ўтказилмаган бўлса, дарахтнинг пастки қисмига июнь ойининг бошларида 100 литр сувга бир килограмм, 20 процентли метафос концентрати, икки килограмм дуст метафоси ҳамда икки килограмм 30 номерли препарат аралаштириб пуркалади.

Колхоз ва совхозлардаги боғларни зараркунандаларга қарши ишлашда ўсимликларни ҳимоя қилиш ишига тажрибага эга бўлган агрономлар бошчилик қилишлари керак.

Ўз томорқаларида олма ва бошқа мевали дарахтлар ўстираётган кишилар эса тубандаги тадбирларни амалга оширсалар дарахтларидаги ҳосил деярли тўлиқ сақланиб қолиши мумкин.

Май ойининг охирларида дарахт танасида кўчган пўстлоқларни тозалаб ташлаш, айрим чуқурчаларини замаска билан тўлатиш керак. Шундан кейин дарахт танаси ва айрим катта шохларига қоплардан тайёрланган белбоғлар боғланади. Белбоғ камида икки қаватли бўлиб, эни 12 сантиметрдан кам бўлмаслиги лозим. Уни каноп билан мустаҳкамланади. Белбоғ боғлангандан кейин то ҳосил йиғиштириб олингунча ҳар 10 кунда тўсиқлар йиғилиб, қурт ва қумурсқалардан тозалаб турилади.

Бундан ташқари ҳаваскор боғбонларда имконият бўлса ўз мевазорларининг ҳажмига қараб 20 грамм «хлорофос» препаратини 10 литр сувга аралаштириб 15 майгача бир марта сепишлари керак. Сўнгра 10 июнь билан 15 июнь ўрталарида иккинчи марта ана шу препарат эритмасидан яна пуркалади.

Ўз томорқаларидаги мевали дарахтларнинг баргларида ширалар борлиги пайқалса, ундай жойларга тамакини сувда ивитиб сепилади. Тамаки эритмаси тайёрлашда 4 пачка тамаки олиниб 4 литр сувга солиб ивитилади. Солинган идиш яхшилаб беркитилиб бир-икки сутка қуёш нурида сақланади. Шундан кейин тайёрланган эритманинг ҳар литрига 3—4 литрдан сув аралаштирилади, тайёрланган тамаки сувига 30—40 грамм миқдорида кир совун эритиб қўшилади ва дарахтларга пуркалади.

Токларга тушган кул (оидиум) касаллигини йўқотиш учун олтингугурт ва оҳак аралашмаси, сепилади. Бундай аралашмани тайёрлашда икки ҳисса олтин гугуртга бир ҳисса оҳак қўшилади. Бир гектар майдонга колхоз ва совхозларда 30 килограммдан 45 килограммгача миқдорда олтингугурт ва оҳак аралашмаси билан чангланади. Катта майдонларда бу тадбирни тракторларга ўрнатилган пуркагичлар ёрдамида бажарилади. Кичик майдонларда ва томорқаларда токзорлари бўлган кишилар эса ўз мевазорларининг ҳажмига қараб аралашма тайёрлашлари керак. Олтингугурт ва оҳак аралашмаси қўлда сепилмаслиги лозим.

Токларни кул касаллигига қарши биринчи ишлашни гуллашидан 20 кун илгари ўтказилади. Иккинчи ишловни эса гуллашидан бир ҳафта илгари ўтказилса, учинчи ишловни ток гуллаб бўлганидан 5—6 кун кейин ўтказиш керак. Агарда июнь ойида ёғингарчилик бўлса бу тадбирни 7—8 кундан оралатиб яна икки марта такрорлаш лозим.

Ана шу тадбирлар ўз вақтида ва тўғри амалга оширилган тақдирдагина кўплаб ширин-шакар мева ҳамда узум олиш имконияти яратилган бўлади.

В. ПАШЧЕНКО,
Р. Р. Шредер номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий текшириш институти ўсимликларни ҳимоя қилиш лабораториясининг мудири.



Эквадорлик деҳқонлар мамлакатда кенг миқёсда ер ислоҳоти учун кескин кураш олиб бормоқдалар. Яқинда 1,5 мингдан ортиқ деҳқонлар Милагро шаҳрида тўпланишиб ҳукуматни ер ислоҳотига қарши қаратилган сиёсатини кескин қораладилар. Ўз ҳуқуқларини талаб этиб кўп минг кишилик митинг ўтказдилар. Суратда: митинг пайти.

ТАСС фотохроникаси.

Матонатли кишилар хотираси



Шавкатли Совет Армияси, совет халқи гитлерчи босқинчилар устидан ғалаба қилган шонли кунининг 25 йиллиги байрами — 9 майда Юқори Чирчиқдаги «Правда» колхози 6-участкасида жангларда қаҳрамонона курашиб ҳалок бўлган матонатли кишилар хотирасига монумент очилди.

Шу куни Ватан урушининг ветеранлари, колхозчи-деҳқонлар, ишчи ва хизматчилар, зиёлиларнинг вакиллари монумент ёнига тўпландилар. У ерда 492 га яқин жанговар оталаримиз, аҳаларимизнинг номлари мармар тахталарга олтин ҳарфлар билан ёзилган эди. «Улуғ Ватан урушида қаҳрамонона ҳалок бўлган жангчиларга абадий шон-шарафлар бўлсин!» деган сўзлар катта мармар деворчаларга рус ва ўзбек тилларида ёзиб қўйилган.

Юқори Чирчиқ район ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Э. Икромов кириш сўзи билан митингни очди. Сўз район партия комитетининг биринчи секретари Ўртоқ И. И. Ладушкинга берилади. Шундан кейин Ватан Уруши ветеранлари, ишчи, колхозчи ва зиёлилар вакиллари ўз содиқ фарзандларининг хотираларини эслаб ўрак сўзларини айтдилар.

Монумент остига пионерлар, шу ерга тўпланган кишилар баҳор гулларидан гулчамбарлар қўядилар.

Суратда: Улуғ Ватан урушида халоқ бўлган қаҳрамонлар номини абадийлаштирувчи монумент.

А. Абалян фотолари.

СЕНИНГ НОМИНГ НОМАЪЛУМ, ЖАСОРАТИНГ МАНГУДИР

Қаҳрамон совет халқи, унинг жасур ва енгилмас армиясининг немис фашизми устидан қозонган тарихий ғалаба куни — 9 май ҳур диёримизда кенг нишонланди.

Байрам арафасида Тошкент округ офицерлар уйининг муҳташам биносида ўзгача тантана ҳукм сурди. Урушнинг оловли йилларида жанг майдонларида қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган, бир қўлида автомат, бир қўлида фотоаппарати билан гитлерчи ваҳшийларга қарши курашган ўзбекистондик фотомухбирлар, шунингдек ҳозирги пайтда республикамиз матбуотида фаол хизмат қилаётган кўплаб фотомухбирларнинг суратлари кўргазмаси очилди. Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениесининг раиси ўртоқ З. И. Есенбоев кўргазмани қисқача кириш нутқи билан очиб, шу ерда ҳозир бўлганларни кўргазмалар ҳонасига таклиф этди.

Муштипар ва мунис, заҳматкаш ва иродали солдат онаси. Сочлари тўзғиган, икки кўзи жиққа ёшга тўлган онанизор Москвадаги номаълум солдат қабри ёнида чўкка тушиб ўтирибди. У титроқ лаблари билан мармар тошни ўпар. Ватан озодлиги йўлида жонини фидо этган жигарбанди билан суҳбатлашарди. Шунда қабр устида пардоз ёниб турган бутун борлиққа ёғду тараташтган мангу машъалдан нидо чиқди: «Салом онажон, бошингизни кўтаринг, қаддингизни ростланг, теварак-атрофга назар ташланг. Биз Ватанимиз озодлиги йўлида шу кунги фаровон ҳаёт учун жон бердик. Қаҳрамонлар ҳеч қачон ўлмайди. Мен тириклардан тирикман. Ҳаётимнинг жасоратларга тўла бўлган саҳифалари авлоддан-авлодга ўтиб совет кишиларини ярашувчилик меҳнатига чорлайверади...» Ш. Осмоновнинг «Унутмаймиз» деб номланган мазкур суратини ҳавас билан томоша қиласиз.

Кўргазмада намойиш этилаётган суратларнинг асосий қисмини уруш йилларида қонга-қон жонга-жон бериб шиддатли жангларда озод этилган шаҳарлар ифодаланган. Бу ўринда фотомухбир Г. Перменевнинг суратлари кишилар диққатини ўзига жалб этмоқда. «Берлин. 1945 йил, май» деб номланган суратда Рейхстаг устида ҳилпираб турган ғалаба байроги таъсирли ифодаланган.

Кўргазмада намойиш этилаётган суратларнинг кўпчилигида Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг жанговар фаолияти, урушдан сўнгги тинч яратувчилик йилларида Совет Армияси Қуролли Кучлари таниқли саркардаларининг серқуёш республикамизда бўлишига оиддир. Кўргазмада фотомухбирлардан А. Асанов, М. Мельник, И. Душкин, Р. Альбеков, И. Шагин ва В. Гребневлар олган ранг-баранг суратлар намойиш этилмоқда.

Мазмундор, ҳаяжонли, суратларни кўриб халқимиз асил фарзандларининг Улуғ Ватан уруши йилларидаги жанговар фаолияти билан яқиндан ҳабардор бўласиз. Ўзбекистон Журналистлар союзи бу кўргазмани ташкил этиб яхши иш қилган. Истак шуки, урушнинг оловли йиллари ҳақида ҳикоя қилувчи шунақанги кўргазмаларни олий ўқув юртларида, мактабларда, аҳоли гавжум бўлган жойларда тез-тез намойиш этиб туриш керак.

И. ЮСУПОВ.



Суратда: кўргазма ҳонасида.

Лирик мисралар

БАХТ ЧАШМАСИ

Эл қалбини англагандай
Яралади бир чашма —
Чўл кафтида қуёш каби
Чарақлади бир чашма.
Бир чашмаки, тошиб оқар
Чўл бағрига олмай тин,
Ўйнаб оқар, куйлаб оқар
Ҳурриятнинг қўшиғин.
Бир чашмаки, кўзни олар
Жилоланиб мисли нур,
Эрк таратар, бахт таратар
Нов-пиҳолга бир умр.
Шу боисдан ўлкам аҳли
Бахт чашмаси, дер уни.
Доим кифтда ардоқлайди
Севиб она ер уни.
Оқар тинмай водиларга,
Ортиб кучи, жўруъати.
Юрган йўлин ўрар гулга
Беқиёсдир қудрати.
Қудратидан ер юзида
Қолмас чўлу-биёбон.
Гуллар унинг ҳамма ерда
Олам бўлур гулистон.
Дилдан тошиб ҳис ва туйғу
Куйладим шоду-хандон.
Улуғ Ильич тўйига у
Бўлсин дея армуғон.

Зиёд КОМИЛОВ.

БАҲОР БАЙРАМИ

Гуллар билан безанган майдон,
Улуғ Ленин даҳоси порлар.
Ҳаётбахш тонг... ҳилпирар
алвон,
Чеҳраларда Май завқи ёнар.
Халқ қудратин этар намойиш,
Колонналар мавжланиб оқар.
Фазоларни забт этган авлод
Истиқболга ишонч-ла боқар!
Субҳидамда зўр шодиёна
Шахдам ўтар шонли комсомол.
Чўлқуварлар, кончи, пахтакор,
Ўтар бари бардам, баркамол.
Эл қалбининг қувончи — дарё,
Чеҳраларда майин табассум.
Қўлларида ғолиб байроқлар,
Лолалардай жилоси сўлим.
Истиқболга бошлайди Ленин,
Уни қутлар жумлан жаҳон.
Бирлик эрур — тинчлик
гарови,
Тинчлик билан бахт қучар
замон!

Ҳ. ҲОМИДИЙ.

15 МАЙДА — ЮТУҚЛАР ТИРАЖИ

15 майда Ростов-Донда 1966 йилги давлат уч процентли ички ютуқли заёмининг навбатдаги — ўттиз биринчи — ютуқлар тиражи ўтказилади.

СССР давлат банкининг давлат омонат кассалари ва давлат кредити бош бошқармасида ТАСС мухбирига шуни айтишдики, бу тиражда заёмнинг ҳар бир разряди бўйича 512.560 сўмлик 9 минг 400 та ютуқ ўйналади. Булар орасида ҳар бири 5.000, 2500, 1000, 500, 100 ва 40 сўмлик ютуқлар бор.

Заём облигациялари бўйича ютуқ чиқиш эҳтимоли тираждан тиражга кўпаяверади, чунки тиражда ўйналаётган ютуқларнинг сони заём муддатининг охиригача ўзгармаган ҳолда қолаверади, ютуқ чиққан облигациялар эса ютуқ тўланиши билан тугатилиб, навбатдаги тиражларда қатнашмайди.

Бу йил давлат уч процентли ички ютуқли заёмнинг яна беш марта ютуқлар тиражи ўтказилади.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

СССР КУБОГИ УЧУН

9 май куни мамлакатнинг 14 та шаҳрида Совет Иттифоқи кубоги фахрий мукофоти учун 1/16 финал ўйинлари бўлиб ўтди. Маълумки, бу йил кубокнинг нимчорак ва чорак финалига чиқиш учун командалар икки мартадан, ўз майдонида ва рақиб майдонида учрашишади. Голиб иккала ўйиндан тўпланган очкога қараб аниқланади.

«Пахтакор» футболчилари биринчи ўйинни Тула шаҳрида маҳаллий «Металлург» командасига қарши ўтказдилар. Тулаликлар «А» класси иккинчи группасида муваффақиятли қатнашаётган коллективдир. Ҳамшаҳарларимиз ўйинни 0:0 ҳисобида дуранг қилиб якунладилар. Энди 13 май куни «Металлург» тошкентликлар меҳмони бўлади.

«Қайрат» «Нефтчи» командалари Қозоғистон пойтахтида беллашишди. Бу ўйинда ҳам ҳисоб очилмади. «Металлург» — «Пахтакор», «Қайрат» — «Нефтчи» жуфтлигидан голиб чиққан команда нимчорак финалда учрашади.

СССР кубогининг дастлабки учрашувини Фарғонада маҳаллий «Нефтяник»ка қарши ўтказган ЦСКА командаси 3:0 ҳисобида ғалабага эришди. «Помир» Ереваннинг «Арарат» футболчиларини 3:2 ҳисобида енгди.

Бугун Москвада кубок учун яна бир ўйин бўлади. Пойтахт автозаводчилари Харьковнинг «Металлист» коллективини қабул қиладилар.

«ФЕЙЕНООРД» — ЕВРОПА ЧЕМПИОНИ

Милан шаҳрида бўлиб ўтган Европа чемпионлари кубогининг финал ўйинида Голландия чемпиони «Фейеноорд» билан Шотландия чемпиони «Селтик» фахрли мукофот учун курашдилар. Бу ўйинга қизиқиш катта эди. Иккала мамлакатдан бир неча ўн минг шинқибоз Италияга келди. Голландиялиқлар ўз футболчилари ғолиб чиққан тақдирда уларнинг ҳар бирига 4 минг доллардан пул ваъда қилган эдилар. Ўйиннинг асосий вақти 1:1 ҳисобида дуранг бўлди. Қўшимча вақтда голландиялиқлар яна бир тўп киритиб ғалаба қозондилар.

МОСКВА ДИНАМОЧИЛАРИ ҒАЛАБАСИ

Пойтахт динамочилари мамлакат биринчилиги мусобақасида «Черноморец» командасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Ягона тўпни Козлов киритди. Бу ғалабадан сўнг динамочилар Киев ва ЦСКА командалари билан очколар бўйича тенглашдилар (12 очко). Биринчи ўринда бораётган Тбилиси футболчиларида эса 13 очко бор.

«Средазэнергоцветмет» нинг ишлаб чиқариш техника корхонаси коллективи ер қатламининг мустаҳкамлиги, шунингдек қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифатини аниқловчи турли ускуналар тайёрламоқда. Суратда: йиғув участкасида янги ускунани созлаш пайтини кўриб турибсиз.

М. НУРИДДИНОВ фотоси.



ҲАЛҚ УНИВЕРСИТЕТИДА

Ўрта Осиё темир йўли бошқармаси ҳузуридаги методик кенгаш ташаббуси билан яқинда коммунистик меҳнат ва иқтисодий билимлар халқ университети иш бошлади. Университетнинг бўлиб ўтган машғулотлари кўпчиликни қизиқтирган мавзуларга бағишланган эди.

Тошкент темирйўл бўлинмаси инженер-техник ходимларидан иборат тингловчилар учун техника прогрессига оид лекция ва суҳбатлар ўтказилади.

Университетнинг Тошкент тепловоз депосидаги факультети ҳам ўзининг аниқ иш планига эга. Темир йўлчилар учун меҳнат эстетикасига бағишланган алоҳида машғулотлар ҳам ташкил қилинади.

ПОЛЯК ЮМОРЛАРИ

ҒАЛАТИ БЕМОР

— Навбат кимники, кираверинг,— врачнинг товуши эшитилди ичкаридан.

Бемор ҳонага қадам қўйди-ю, ногаҳон остонада таққа тўхтаб қолди.

— Марҳамат, кираверинг, қулоғим сизда, гапираверинг, қаерингиз оғрияпти? — сўрай бошлади врач.

— Ҳозир, ҳозир айтаман, ҳаммасини айтиб бераман, аввал дафтарчани олволай...— деди-ю, чўнтагидан нималарнидир излай бошлади.

— Қайси дафтарчани айтаяпсиз,— сўради беморнинг талмовсираётганини кузатиб турган врач.

— Мен бу фалокатни атайин қоғозга ёзиб олгандим-у, қаёққа неттийкин лаънати... Мана, мана, топдим... О... йўқ-ку. Ҳаҳа, дарвоқе, мен эсламаслик хасталигига мубтало бўлганман.

— Ҳа, хотирангиз ёмонми? — деди врач гап нимада эканини тушунгач.

— Худди шундай, доктор.

— Хўш, хотирангиз қайси қолатларда заифлашиб туради?

— Ҳаммавақт шундай, ўртоқ врач, ҳаммавақт. Мен ниманки воқеа бўлса ҳаммасини бир хилда унутаверараман. Жумладан, турли-туман фамилияларни, телефон номерларини, баъзи бир фактларни ,воқеаларни, қўйингчи ҳамма нарсани...

— У ҳолда сиз ўша ларни бирор қоғозга ёзиб олишга одатланиб қўрмадингизми?

— Э-э-э... буни сира айта кўрманг, дўстим. Шунга ҳам кўника олмадим. То мен ручкамнинг қаердалигини эслаб, уни топиб олгунимча нима ёмоқчи бўлганлигим бутунлай ёдимдан чиқиб кетади. Ён дафтарчаларимнинг саноғини ҳам билмайман, у байталмонлардан юзга яқин бор чўнтакларимда.

— Уй ичи шароитларингиз қалай, жойидами?

— Хўш, хўш, қайси уйни гапиряпсиз? — бетоқатлик билан сўради бемор.

— Сизнинг ўз уйингизни сўраяпман. Яъни уйланганмисиз, янгам бормилар?

— Ҳа, у-ми? Бор, бор, бор бўлганда қандоқ, — уҳ тортиб юборди бемор.— Уйимдаги ишларим ҳам бошдан-оёқ ишкал. Уйланган кунимни ҳам, хотинимнинг кимлигини, ҳатто унинг исмини ҳам эслай олмайман баъзан уёғини сўрасангиз. Квартира ҳақини вақтида тўлашни ҳам унутганим унутган, ойлигимни эса янгангизнинг ўзлари келиб олиб кетадиган бўлдилар охири.

— Агар ана шу айтганларингиз чиндан ҳам рост бўлса, сизга жуда қийин экан. Айниқса хизмат соҳасида анча азият чексангиз керак?

— Нима дединг из, хизматингиз юзасидан... дейсизми? Бу билан нима демоқчи бўляпсиз, хотирам ёмонлигининг хизматимга нима даҳли бор экан, аксинча...— қизишиброқ жавоб бера бошлади бемор.

— О... О, ундай демоқчи эмасман, айтмоқчиманки, хизмат сизни анча қийнаб қўяр экан, деб гумон қиляпман.

— Шундай, шундай...

— Дарвоқе, сўрамабман, қаерда хизматдасиз?

— Мендан сўраяпсизми?

— Ҳа, сиздан, қаерда ишлайсиз деяпман?

— Бир минут сабр қилинг, ҳа, бир минут. Ҳозир айтаман, ҳозир айтаман, дафтарчам қурмагурга қараб олай-чи.

Бемор у чўнтагидан, бу чўнтагидан турли-туман қоғоз ва дафтарчаларни олиб, уларни бирма-бир варақлай кетди. Тимирскилай, тимирскилай охири ўз мансабининг номи рақам қилинган варақчани топди.

— Мана, мана, топилди. Эшитинг... савдо бўлимида ариза ва шикоятларни текшириш бўйича инспекторман,— деган жумлаларни ўқиб берди бемор врачга.

Беморнинг бундай ҳолатини кўрган врачнинг хотираси яхши эди-ю, ҳарҳолда шундай бўлса ҳам қабулдаги кишининг кўнгли учунми, ёки чинданми, ундан сўради

— Эсим қурсин, фамилиянгиз нима эди? — деди-да унга дори-дармон ёзиб бермоқчи бўлиб қоғоз қаламга тутинди

Бироқ беморнинг фамилиясини билиш қийин бўлди. Чунки у ўз фамилияси ёзилган дафтарчасини қаердадир қолдирган экан.

Русчадан **Яҳё Тўхтаев** таржимаси

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — орган Ташкентского обкома КП Узбекистана, областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор—336495, Редактор ўринбосарлари — 335885, 337916 Масъул секретарь — 334808, Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари — 331936, Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 333786, Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари — 335811, қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 339050, Совет қурилиши, маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — 338761, Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 334048, Эълонлар бўлими — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС — 64697.

Г. 1642. Р — 01484

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

11.30 — Ўқув кўрсатувлари программаси. Адабиёт. 10-синф «Имтиҳоналарга қандай тайёрланмоқ керак?» (рус тилида). 18.30 — Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.35 — Телеянгиликлар. 18.50 — Чекист ҳақида қисса» (Бадиий фильм). 20.20 — Кўрсатувлар программаси ва реклама.

Ўзбек тилида: 20.30 — Телеянгиликлар. 20.45 — Ҳамза номли Ўзбек Давлат Академик драма театрининг 50 йиллиги олдидан. АБРОР ҲИДОЯТОВ». 21.25 — Ун минут музика. 21.35 — Қишлоқ хўжалик билимлари университети. 22.05 — «Чупеr» махфий операцияси» (Телевизион бадиий фильм, 1 серия).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида 18.00 — Физика. 9 синф. Ўқув фильм. 18.30 — Ажойиботлар оламида. 19.00 — Абитуриентлар учун физика.

20.00 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА
ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — Симфоник куйлардан концерт.

Рус тилида: 20.40 — «Нон ва порох» (Ҳужжатли фильм). 20.50 — «Саёҳат таклиф». 21.20 — «Аҳмеёр» (Телеспектакль).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 12/Уда Марварид изловчилар, 13/Уда Трубадур, 14/Уда Чио-Чио-Сан.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 12/Уда Мария Стюарт, 13/Уда Йўлчи юлдуз.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 13/V да Гули Сиёҳ, 14/V да Жон қизлар, 15/V да Бахт тўйи.

КИНО

Мазандарон шери — «ЧАЙКА», «СПУТНИК», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечқурун).

Сўнгги каникуллар — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 10 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 4, кеч 8 да), ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 1, кеч 9 ва 10 ярим да).

Олтин — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Анжелика — фаришталар малакаси — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 3, кеч 6 да).

Улкан севги серенадаси — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 2, кеч 6, ва 9.45 минутда).

Ҳалоскорлик (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 12, 3, кеч 6.15 ва 9.15 минутларда).

Тошкент давлат циркида

24 МАЙДА

МАВСУМ ТУГАЙДИ

12 МАЙДАН БОШЛАБ

лилипутларнинг музикали аттракцион артистлари иштирокида янги программа

Постановкачи — РСФСРда хизмат кўрсатган маданият ходими М. КАЧУРИНЕР.

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

БОЛГАРИЯ ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

Томошалар кеч соат 8 да бошланади.

Олдиндан билет сотиш кассаси очиқ.

ТОШКЕНТ ЛАК-БЎЁҚ ЗАВОДИГА

комендант, тарбиячилар, қоровуллар, фаррошлар, слесарлар, токарлар, электр монтёрлар, шоферлар, аппаратчилар, юкчилар, ёрдамчи ишчилар, омборчилар, газэлектр пайвандчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Огородний кучаси, 0-уй, кадрлар бўлими.